

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ ФАКУЛТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ КАФЕДРАСИ

Бакалавриат 5620600- Зоотехния талабаси

Иноятлов Давронбек Улугбекович

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Сут булак” фермер хўжалиги шароитида маҳаллий қора-ола
зотли қорамолларнинг усиш ва ривожланиши таҳлил қилиш.”**

Илмий раҳбар:

“Зоотехния” кафедраси доценти

С.Ш.Исамухамедов.

Зоотехния кафедраси мудири,
доцент _____ А Холматов

«_____» _____

2013 йил «_____» _____

Зоотехния факультети декани,
доцент _____ У Балласов

2013 йил «_____» _____

Тошкент-2013

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I. Адабиётлар шарҳи	6
1.1. Ўзбекистонда қорамолчиликни ривожланиш босқичлари	6
1.2. Ўзбекистон қорамоллари ва маҳсулдорлиги	7
1.3. Республикада районлаштирилган қорамол зотлари. Қора-ола зоти.	9
1.4. Ўзбекистон қорамолларининг зотдорлиги	12
1.5. Қорамол зотларида фойдаланилган тизимлар	14
1.6. Ўзбекистонда қорамолчилик наслчилик хўжаликлари	19
II. Тадқиқотни ўтказиш манбаи ва услуби	22
III. Хусусий тадқиқотлар натижалари	23
3.1. Тажриба гуруҳларидаги молларни озиқлантириш.	23
3.2. Тажриба гуруҳлардаги ёки қорамолларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари.	30
3.3. Тажриба гуруҳлардаги ёки қорамолларнинг тана ўлчамлари ва индекс кўрсаткичлари.	35
3.4. Тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги.	38
Амалий таклиф ва хулосалар	40
Фойдаланилган адабиётлар	41
Иловалар	

КИРИШ

Қорамолчилик чорвачиликнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Ушбу тармоқда наслчилик ишларини ривожлантириш бўйича селекция-наслчилик ишларини юритишда Ўзбекистон Республикаси «Наслчилик тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли ҳамда 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-842-сонли қарорлари, шунингдек селекция-наслчилик ишларини юритиш бўйича 20 дан зиёд низом, тартиб, қўлланма, тавсиянома, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосий дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23-мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли қарори билан чорвадорларни чет эллар билан алоқа қилишга катта йўл очилди. Натижада, чорвадорларнинг моллари наслини янгилашга қулайликлар яратилиб, четдан насли маҳсулот; қорамол, сермахсул буқаларнинг музлатилган уруғларини келтириш, шунингдек ветеринария эмламалари, қорамолларни сунъий уруғлантиришда қўлланиладиган криоген Дювар идиш ва термосумкалар келтирувчилар бож тўловларидан озод этилди.

Ҳукумат томонидан биргина четдан насли маҳсулот келтиришга берилган имтиёз натижасида республикада чорвадорлари чет давлатларнинг наслдор қорамолларидан келтириб, ирсий хусусияти юқори бўлган насли моллар олишга эришмоқдалар.

Республикадаги барча фуқаролар йиғинлари қошида сунъий уруғлантириш шахобчалари ташкил этилиб, шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлари қорамолларининг наслдорлик хусусиятларини ошириш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПҚ-842 сонли қарорининг қабул қилиниши чорвачиликда юзага келаётган муаммоларга барҳам берди. Айниқса, ихтисослаштирилган чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларига ажратилган экин майдонларида давлат эҳтиёжи учун пахта ва донли экинлар экишда фойдаланилмаслик, шунингдек 2012 йилгача наслчилик корхоналари ва «Ўзнаслчилик» корхонасига истисно тариқасида асосий фаолияти бўйича барча солиқлар ва давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда мактаб таълим жамғармасига мажбурий ажратмалар ажратишдан, наслчилик чорвачилик хўжаликлари, наслчилик корхоналари наслчилик материаллари, технология ва ёрдамчи ускуналар олиб келишда бож тўловдаридан озод этилди.

Чорвачиликка бундай ёндашиш келгусида ихтисослаштирилган чорвачилик фермер хўжаликларининг даромадини оширишга ва селекция-наслчилик ишларини тўғри йўлга қўйишга катта замин бўлади. Маҳаллий моллар зотини замонавий урчитиш усулларида узоқ йиллар мабойнида эмас, аксинча қисқа муддатларда наслчилик ишида ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритишга, шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларидаги сигирларни сунъий уруғлантириш орқали самарали натижаларга эришишга катта эътибор қаратилди. Наслчиликда фойдаланиладиган ҳисоб-китоби ҳужжатларини юритувчи, шунингдек сигирларни сунъий уруғлантирувчи техник мутахассислар тайёрлаш бўйича малака ошириш ўқув курслари ташкил этилди. Бугунги кунда «Ўзнаслчилик» корхонасида ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида 1050 нафардан ортиқ сервис хизмати кўрсатувчи

мутахассислар тайёрланди. Барча туманларда «Насл-хизмат» масъулияти чекланган жамиятлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 февралдаги №03-35-20 сонли мажлис баёнининг 8.3-банди топшириғига асосан республикада урчитилаётган қорамоллар наслини яхшилашда селекция-наслчилик иши режасини ишлаб чиқиш белгилаб берилди. Мазкур топшириқ ижросини таъминлашда республикада районлаштирилган қорамол зотларидан селекция-наслчилик ишларида тўғри фойдаланиш, наслдорлик ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш, наслчилик ишларини тубдан яхшилаш, қорамолларнинг наслчилик базасини мустахкамлашда четдан ёппасига насли қорамолларни импорт қилиш ҳисобига эмас, балки ўзимизда мавжуд бўлган, табиий иқлим шароитига мослашган зотларни такомиллаштириш, танлаш ва саралаш услубларини қўллаш ва олинган сермахсул авлодларни парваришlashга эътибор қаратилди.

I. Адабиётлар шарҳи

1.1. Ўзбекистонда қорамолчиликни ривожланиш босқичлари

Қорамочиликда наслчилик ишлари зотлар бўйича ҳудудларнинг иқтисодий географик жойлашувига қараб шакллантирилган. Қорамолчилик аҳолининг жойлашуви, дехқончилик тизими ва саноат марказларининг ривожланишига қараб ихтисослаштириб борилган. Шаҳар ва саноат марказлари ривожланган ҳудудларда қорамолчиликни ривожланишига катта эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда урчитилаётган қорамол зотларини ривожлантиришга қараб уларни тўрт даврга бўлиш мумкин.

Биринчи давр 1925-1960 йилларни ўз ичига олиб, маҳаллий зебусимон қорамолларни маданий серсут қорамоллар билан чатиштириб, маҳсулдор-зотдор қорамолларга айлантириш жараёни.

Иккинчи давр 1960-1975 йиллар, зотдор қорамоллар сонини кўпайтириш, сут ва гўшт маҳсулдорлик хусусиятларини ошириш ва наслдор қорамоллар нодасини кенгайтириш.

Учинчи давр 1975-1992 йиллар, қорамоллар сут маҳсулдорлигини кўпайтириш билан бирга сут йўналишидаги қорамолчиликни ривожлантириш ҳамда гўшт йўналишидаги қорамолчиликни ташкил этиш. Наслчилик ишини такомиллаштириш ва саноат технологиясига мувофиқ сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришига ўтиш жараёни.

Тўртинчи давр 1992-2010 йиллар, бу босқичда жамоа чорвачилигини хусусийлаштириш, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи дехқон ва фермер хўжаликлари чорвачилигини шакллантириш ва уни ривожлантириш давларига бўлинади. (2,10)

Ўзбекистоннинг географик табиий-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, қорамолларнинг қуйидаги зотлари урчитилмоқда.

- сут йўналишидаги қора-ола, қизил-чўл, бушуев;
- сут-гўшт йўналишидаги швиц;

- гўшт йўналишидаги санта-гертруда, козоқи оқбош ва абердин-ангус зотлари. (3,6)

Юқорида қайд этилган зотларни урчитиш усуллари, уларни шакллантиришда фойдаланилган яхшиловчи зотлар ва буқа тизимлари, улардан насли авлод олиш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича олиб борилган парваришлар, сақлаш ва озиклантиришдаги технологик ишлар қуйидаги бўлимларда ёритилиб борилади. (4,7,12)

1.2. Ўзбекистон қорамоллари ва маҳсулдорлиги

Сигирлар сут маҳсулдорлигининг аجدодлари маҳсулдорлиги билан ўзаро боғлиқлиги

Маълумки сигирларнинг сут маҳсулдорлиги кўп жиҳатдан аجدодларининг маҳсулдорлигига боғлиқ, чунки бу сут маҳсулдорлигининг асосий кўрсаткичларини авлоддан-авлодга ўтувчи белги бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам танлаш ва жуфтлаш ишларини режали олиб бориш урчитилаётган қорамол зотларининг насл ва маҳсулдорлик сифатларини акомиллаштиришда муҳим омил ҳисобланади.

М. Г. Спивак. С. И. Субботинанинг (1987) қайд этишича, энг юқори маҳсулдорликка эга сермахсул сигирлардан наслчилик ишларида кенг фойдаланиш келгусида юқори маҳсулдор сигирларга эга подалар яратишдир.

А.П. Бессараб, Т.В. Потпала, Т.М. Кувшиноваларнинг (1987) хулосасига қура, юқори маҳсулдор подалар яратишда ва зотнинг насл ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини такомиллаштиришда яккама -якка тартибда жуфтлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки бунда ота-она белгилари авлодларига тулиқ ўтиши таъминланади.

Л.М. Маланчук, В.Н. Чуфайнинг (1988) таъкидлашича ҳар бир фермада юқори маҳсулдор сигирларни насл ўзагига ажратиб, уларни озиклантириш ва асраш шароитларини яхшилаш қамда уларнинг авлодларига яхши шароит яратиш келгусида зотни такомиллаштириш суръатини тезлаштирибгина қолмай, балки катга иқтисодий самара ҳам беради. И.М. Мақсудов (1994), Б.А.

Абдалниязов (1999) лар ҳам ўз тадқиқотларида шунга ўхшаш хулосаларга келган.

А. Арзуманяннинг (1988) таъкидлашча, сут маҳсулдорлиги бўйича рекордчи сигирлар зотни такомиллаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Улар юқорк насл қийматига эга авлод берибгина қолмай, балки арзон маҳсулот ҳам беради, Шунинг учун ҳам подаларнинг маҳсулдорлигини такомиллаштиришда уларнинг аҳамияти бениҳоят катта.

Д.Т. Винничук (1990) тадқиқотларида подаларнинг маҳсулдорлик даражаси кўп жиҳатдан наслдор буқаларнинг сифатига боғлиқ эканлиги кузатилган, шунинг учун ҳам авваламбор жуфтлашда муаллифнинг фикрига кўра қизларининг сут маҳсулдорлиги тенгқурлари кўрсаткичидан 300 килограммдан юқори бўлган яхшиловчи тоифага эга наслдор буқалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ Т.Л.А. Акмалхонов, В.В. Шалимов, Л.П. Ефимовнинг (1974) фикрларига кура, иссиқ иқлим шароитида сигирларнинг сут маҳсулдослигига таъсир этувчи омилларнинг маҳсулдорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

А.Н.Калмъжовнинг (1991) таъкидлашча, сигирларнинг онасини фенотиби ва авлодларининг сифати бўйича баҳолаш подаларни такомиллаштиришда асосий усулдир. Муаллифнинг фикрига кура сигирларнинг юқори маҳсулдорлигини, уларнинг авлодларида мустаҳкамлашда яқин даражасидаги инбридингдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

— С.А. Ружский (1967). Н.С, Кольтшкина (1970) уш тадқиқотларида сигирлар ва уларнинг қизларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ўртасида паст ўзаро боғланувчанликни аниқлаб. маҳсулдорлик белги-ларининг авлодга ўтишда буқаларнинг аҳамияти юқорн эканлигини қайд этадилар.

А.Н.Калмъжовнинг (1991) фикрига кура, сифлар ирсиятини авлодларга ўтказишда ўрта ва яқин даражадаги инбридингдан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Бу айниқса насл қиймати юқори бўлмаган наслдор буқалардан фойдаланилганда жуда қўл келади. Бунда авлоднинг насл ва маҳсулдорлик сифатлари асосан онасининг ирсияти хисобига яхшилаттади, Бу усулдан

айникса «буюртма» усулидаги жуфтлашни ташкил этганда фойдаланиш тавсия этилади. Аммо муаллифнинг хўлосасига кўра, юқори насл қийматига эга бўлган буқалар билан кам маҳсулдор сигирларни жуфтлаганда яқин даражадаги инбридингдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бунда онанинг юқори сифатга эга бўлмаган ирсияги ота ирсиятидан устунлик қилиб, авлоднинг маҳсулдорлик ва насл қийматига салбий таъсир кўрсатади. . В. М. Кузнецов (1990), Н. В. Михайлов, В. И. Степанов, В. А. Ковалска (1991) қорамолларни "1 изимдир луиича \]^м! иш авлодларда мақбул маҳсулдорлик сифатларни мужассамлаштириш. юқори насл қийматига эга моллар бош соқини кўпайтириш ва зотни такомиллаштириш имконини беради.

М.И. Ашировнинг (1990) хўлосасига кўра Ўзбекистоннинг Қора-ола зотли подаларида голштин зотининг Уес Идеал, Монтвик Чифтейн, Рефлекшн Соверинт, Симинг Трайджун Рокит тизимларидаги буқалардан фойдаланиш олинган авлод сигирларининг сут маҳсулдорлигини ва елинининг технологик белгиларини такомиллаштириш даражаси подаларнинг ўртача сут маҳсулдорлигига боғлиқ, унинг юқори бўлиши эса кўп жиҳатдан хўжаликнинг озуқа базасига боғлиқ. агар бу омил яхши бўлса, моллар зотининг насл ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш суръати тезлашади.

М.Спивакнинг (1990) таъкидлашича. барча буқалар ҳам авлод-ларига ўзининг юқори насл қийматини ўтказавермайди. Бу авваломбор олинган авлоднинг сўлигиданоқ мақсадли яхши шароитда ўстришга, наслдор буқани синовга ўз вақтида қўйишга ва уларни авлодларнинг сифати бўйича баҳолашга боғлиқдир.

Х.Р.Пакнинг (1990) хўлосасига кўра, голштин зотини тизимлари бўйича урчитишда наслдор буқаларни авлодларикининг сифати бўйича баҳолаш ва яхшиловчи тоифага эга буқалардан кенг фойдаланиш юқори маҳсулдор подалар яратишда асосий омиллардан биридир.

Л.К Эрнест ва Ю.Н. Григорьевнинг (1987) фикрига кўра, голштин зотининг наслдор буқаларидан кенг фойдаланиш сигирлар оналарининг

махсулдориягидан катъий нэзап, опингаи авлолнинг насл ва махсулдорлик сифатларини такомиллаштиришга ижобий таъсир этади.

М-И. Аширов (1994) маълумотларига караганда, қора-ола зотли қорамоллар подаларида чатиштиришда голиштин зотига мансуб

буқалардан фойдаланиш, олинган авлод сигирларнинг нафақат сут махсулдорлигини, балки экстерьерини ва елинининг технологик белгиларини ҳам такомиллаштириш имконини беради.

Э.Ю. Карчевский, М. О, Боратов, М. Аширов (1985) тадқиқотларида голиштин зотли буқалар авлодларининг сут махсулдорлигини оширибгина қолмай, уларнинг тана тузилишини ва елин курсаткичларини ҳам яхшилаган, Жумладан, бундай буқалардан олинган сигирларда елшининг айланаси 1,77%, узунлиги 5,49%, эни 7,12% ва сут бериш тсзлиги 15,5% соф қора-ола зотли тенгкурлариникидан юқори бўлган.

П. Прохоренко (1990) маълумотларига караганда, қора-ола зотли қорамолларни соф зотли урчитишга нисбатан улар урчитилаётган подаларда чатиштиришда голиштин зотига мансуб буқалардан фойдаланилганда подалардаги сигирларнинг сут махсулдорлигини генетик жиҳатдан такомиллаштириш суръати ўртача 2,8. сут ёғи чикими бўйича эса 2.6 маротаба юқори бўлган.

Е.И. Сакса (1998) хулосасига кура, подаларни такомиллаштиришда сигирлар ота-оанларининг махсулдорлик курсаткичларини ҳисобга олган қолда селекция ишларини ташкил этиш муҳим омиллардан биридир.

Муаллифнинг маълумотларига Караганда оналарнинг сут махсулдорлиги 4001-5000 кг бўлган сигирлардан олинган қизлариинг сут махсулдорли, и 6/0[^] Ъ, О.УЛНО., ^яйьчариьикьдаи 2084 кг юқори, 6001-7000 кг сут махсулдорлигига эга сигирларнинг қизларида махсулдорлик 7142 кг^ч бўлиб, оналариникидаи 722 кг ва 7001-8000 кг сут махсулдорлигига эга сигирлариинг қизларида сут махсулдорлиги 7520 кг булиб, оналариик[^]-лаи 144 кг юқори бўлгак. Муаллиф тадқиқотларида оналари ва қизлариинг сут махсулдорлигининг фарқи олинган авлодш-шг голиштин зоти бўйича

зотдорлиги ҳам. сезиларли таъсир кўрсатган. Бунда I бўғин дуругайларда оналарининг сут маҳсулдорлиги уларининг маҳсулдорлигига каттатаъсир кўрсатмаган, аммо зотдорлик ошиши билан оналарининг маҳсулдорлигига боғлиқлик ҳам ошаверган.

Ю.М. Бурдин, А.А.Декеевнинг (1991) маълумотларига қараганда, чатиштиришда голштин зотидан фойдаланиш олинган авлод сигирларининг сут маҳсулдорлигидан ташқари тана тузилишини ва айниқса елин хусусиятларини сезиларли даражада яхшилаган. Голштин зотли буқалардан олинган сигирлар асосан тоссимон ва косасимон шаклли еилинларга эга бўлиб, слиннинг узунлиги ўртача 1,9, эни 1,8 ва айланаси 3,7 см соф зотли тенгқурлариникидан юқори бўлган. Шунингдек уларда сут бериш тезлиги 1,28 кг/мин ташкил этиб, у тенгқурлари кўрсаткичидан 39% юқори бўлган, А.Я. Маньковский (1990) тадқиқотларининг кўрсатилишича, голштин зотли буқаларда авлодларининг елин хусусиятларини такомиллаштириш хусусияти юқори. Муаллифнинг тадқиқотларида голштин зотли буқаларидан олинган сигирларнинг елини катта хажмга эга бўлиб, сут бериш тезлиги 1,40-1,64 кг/.\шн ташкил этган вау тенгқурлари кўрсаткичидан сезиларли даражада юқори бўлган.

А.К. Соколова(1980) тажрибасада ю., ..;гпи ;с>п;и буқаллрдс:: олинган сигирларининг 55-80% машинада соғиш талабларига жавоб берадигани мақбул тоссимон ва косасимон шаклли елига эга бўлган

ва уларнинг сут бериш тезлиги соф кора-ола зотли

А.И. Бич, Е.И. Сакса (1987) маълумотларига қараганда, голштин лаштирилган сигирларнинг тана тузилиши кора-ола зотли тенгқурлариникига нисбатан мутаносиб ривожланишга эга бўлиб. тана ўлчамлари юқори бўлган регрессия коэффициентини ҳисоблаш шуни кўрсатадики, голштин зотли буқалардан олинган сигирларнинг яғрин баландлиги 1 с.м га ошганда сут маҳсулдорлиги ўртача 57,7 килограммга, Уларнинг кора-ола зотли тенгқурларида эса 30,2 килограммга ошган.

Е.А. Беденков (1992) тадқиқотларида голштин зотли буқаларнинг қизларида барча экстерьер курсаткичлари соф қора-ола .зотли тенгқурлариникидан юқори бўлган, уларнинг кунлик сут соғини 17,5-20,1 бўлганда сут бериш тезлиги 1,90-2.22 кг/мин- елин индекси эса 42-43 % ни ташкил этаб, улар машинада соғиш талабларига яхши жавоб берган

М. Д. Дедов (1986) тадқиқотларида ҳам. голштин зотли буқаларнинг авлодлари мутаносиб тана тузилишига, юқори тирик вазига. яхши ривожлалган елканга ва қор;1-опа ?отли тенгқўтлаги"а нисбатан юқори сут бериш тезлигига эга бўлган

Шундай қилиб. ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижаларнинг кўрсатишича, юқори маҳсулдор подалар ярагишда ва урчитилаётган зотни такомиллаштиришда танлаш ва жуфтлаш ларяни режали асосда ташкил этиш муҳимдир. Чунки молларнинг аждодларнинг, айниқса ота-онасининг ирсиятидан унумли фойдаланиш катта аҳамиятга эга, чунки маҳсулдорликнинг асосий белгилари авлодга ирсият орқали ўтади. Қора-ола - зотли қорамолларни такомиллаштиришда уларга қариндош голштин зотининг буқалардан чатиштиришда фойдаланиш катта самара бериши кўплаб, тадқиқотларда ў.з ишботини топган. Бу юқорида келтирилган кўплаб адабиёт манбаларида ҳам қайд этилган Бунда олинган авлод сигирларни сут маҳсулдорлиги, тирик вазни, экстерьер кўрсаткичлари ва елин хусусиятлари яхшиланади, бу эса зотни такомиллаштиришда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Сигирларнинг асосий хўжалик фойдали белгиларининг авлоддан-авлодга ўтиши ва унинг аҳамияти..

Қорамолчиликда селекция наслчилик ишларини ташкил этишда асосий хўжалик фойдали белгиларнинг авлоддан-авлодга ўтишни ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштириш юқори маҳсулдор подалар яратишда ва зотни такомиллаштириш суръатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, молларнинг¹ асосий селекция белгилари Уларнинг аждодлари кўрсаткичлари

билан ўзаро боғлиқ бўлиб, жуфтлашни ташкил этишдан олдин бу белгилар бўйичатанлаш ишларини амалга ошириш муҳимдир.

Н.Э. Бикташев (1990) тадқиқотларида ҳам сигирларнинг сут маҳсулдорлиги билан уларнинг оналари маҳсулдорлиги ўртасида узвий ўзаро боғлиқлик мавжудлиги ва асосий хўжалик фойдали белгиларни авлодга ўтиши тасдиқланган, Бу эса танлаш ва жуфтлаш ишларини мақсадли равишда танлаш ва жуфтлаш ишларини максимал равишда ташкил этишни тақозо этади.

Маҳсулдорлик белгиларининг наслдан-наслга ўтиш коэффициентни ошириш бўйича селекция кишаринк олиб бориш подаларни генетик жиҳатдан такомиллаштириш суръатини ошириш имконини беради,

1Ш. А. Акмалхонов , А. М. Мустафаев (1977) маълумотларига қараганда бушуев зотли сигирларнинг ёшининг улгайиши билан белгиларнинг авлоддан-авлодга ўтиш коэффициенти ҳам оша борган. Масалан, сигирларнинг I соғин даврида сут маҳсулдорлиги бўйича наслдан-наслга ўтиш коэффициенти 0,11-0,13 бўлган бўлса, III соғин даврида у 0,18-0,23, ўртача 3 та соғин даври бўйича эса 0,27 0,38% га баробар бўлган.

Сутнинг ёғлилиги бўйича ушбу коэффициент I соғин даврида 28-31%, III соғин даврида 26-27% ва ўртача уч соғин даври бўйича 39-47% ташкил этган.

Н.Г. Букаров, Ю.П. Фомичёв, Н.И.Стрекозов ва бошқаларнинг (1999) тадқиқотларида ҳам сигирларнинг сут маҳсулдорлиги билан оналарининг сут маҳсулдорлиги ўртасида ижобий (0,219-0,473) ўзаро боғланувчанликни аниқлаганлар. бу эса уларнинг маҳсулдорлигига боғлиқ эканлигидан далolat беради.

Х.Ғ. Саломов (1998) маълумотларига қараганда, сигирларнинг сут миқдори бўйича наслдан-наслга ўтиш коэффициенти 0,422-0,477, сут ёғи чиқими бўйича 0,277-0,329 га баробар бўлган, яъни сигирларнинг сут маҳсулдорлиги оналарининг маҳсулдорлигига боғлиқ эканлиги аниқланган.

С.А. Рузский (1977), Б.П. Завертяев (1979) тадқиқотларида сут микдорининг наслдан-наслга ўтиш коэффициенти 0,04-0,60, ёғлилиги бўйича 0,17 0,60, оксилнинг коэффициенти эса 0,60 га баробарлиги аниқланган.

В.Л. Козальский (1980) маълумотларига қараганда, сигирларнинг соғин даврида сут микдори доимийлигининг наслдан-наслга ўтишини ўргатиб. сигирларни насл негизига ва наслдор букалар етиштирувчи гуруҳларга танлаганда соғин давридаги сут микдорининг доимийлигига эътибор бериш лозим,

У. А. Норинов (1995) сигирларнинг сут маҳсулдорлиги билан оналарининг сут маҳсулдорлигига ўртасидир (0,076-0,200) ва уларнинг сутининг ёғлилиги (0,124) ҳамда сут ёгининг чиқими ўртасида ижобий (0,200-0,244) ўзаро боғланувчанликни аниқлаган.

1-248 ва сут ва еут ёгининг чиқими бўйича бу коэффициент 0,400-0,488 га баробар эканлиги аниқланган.

Л. С. Жебровский, А. Д. Коисаренко, В. Е. Митклько (1980) маълумотларига қараганда, сут микдорининг йаслдан-наслга ўтиш коэффицентини 0,3-0,8 сутининг ёғлилиги бўйича 0,1-0,8 га баробар бўлган.

А.М. Мустафасв, Н.М. Расулев, А. Есбаев (1974) тадқиқотларининг кўрсаташича, бушув зотли сигирларда сут микдорининг наслдан-наслга ўтиш коэффициенти ОД 1-0,13, сутнинг ёғлилиги бўйича эса 0,28-0,31 га тенг бўлган.

Э.Ю.Карчевский (1989) тадқиқотларида Ўзбекистоннинг Чиноз, Малик, Қизил шалола, Политотдел. Ўзбекистон 50 йиллиги каби етакчи наслчилик заводлари ва хўжаликларида сигирларнинг сут микдорининг наслдан-наслга ўтиш коэффицентини 0,0252 0,538, сутининг ёғлилиги бўйича 0,039-0,550. тОирик вазн бўйича 0,130-0,412 ни ташкил этган.

Паст кўрсаткичга эга наслдан-наслга ўташ коэффицентини сигирларнинг оталари шажараси бўйича, юқори коэффицент эса оналари маҳсулдорлиги бўйича танлаш иккари амалга ошириш яхши натижа беришидан далолат беради.

Муаллифининг тадқиқотлари натижалари кўрсатишича, сигирларнинг елин шакли уларнинг оналаринининг елин шаклига

Жумладаи, '6% сигирларда оналарининг елин шаклидан қатъий назар, косасимон шакли елинлар шаклланиган. Косасимон шаклга эга сигирларнинг 74% қизларида ҳам ' косасимон. думалок шакли елинга эга сигирларнинг эса 90% қизларида косасимон елинлар учраган.

яъни бу белгилар асосан оналарининг ушбу кўрсаткичига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлганлигидан далолот беради.

Ю. П.Тимофеев, Л. Б. Котлов (1986) тадқиқотларида сигирларнинг сут маҳсулдорлиги қора-ола зотли сигирларни зотли урчитишга нисбатан уларни голиштин зотига мансуб буқалар билан чатиштиришда уларининг маҳсулдорлиги оналарининг маҳсулдорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги аниқланган. Бу голиштинлаштириш ташкил этилаётган хўжаликларда чатиштириш учун танланган сигирларнинг сут маҳсулдорлигига катта зътибор бериш лозим эканлигидан далолат беради.

Л.Ю.Овчинникова, Е.И.Олейник (1980) маълумотида кўра, рекордчи сигирларнинг асосий селекция белгиларининг наслдан-наслга ўтиш коэффиценти паст (0,07-0,14) бўлган.

Н. П Кочеткова (1986) фикрича, юқори маҳсулдор сигирларнинг фойдали хўжалик белгиларини авлодларида мустаҳкамлашнинг муҳим усулларидан бири уларнинг ўгиллари ва иевараларидан иаслчилик ишида самарали фойдаланишдир. В. И. Власовнинг (1987) ёзилишича. сигирларнинг сут маҳсул-дорлигининг ошиши билан к_ўп ҳолларда бу белгининг наслдал-Лекин, деб ёзади муаллиф, юқори маҳсулдор подалар яратишда энг муҳим масалалардан бири бузоқларни мақсадга мувофиқ зотнинг андоза талабларидан юқори даражада ўстириш ва биринчи марта тукқан сигирларни маҳсулдорлиги бўйича танлаш ҳамда баҳолаш масалалари ўзининг ижобий ечимини топмаса. селекционерларнинг барча қилган меҳнати зое кетади.

А.И.Бич, Е.И.Сакса (1987) тадқиқотларида қора-ола зотли сигирлар гуруҳида жуфтлашда хўжалик фойдали белгилари бўйича бир-бирига ўхшаш наслдор

букалардан фойдаланишдан олинган сигирларнинг сут миқдорининг наслдан-наслга ўтиш коэффициенти 0,154, сутнинг ёғлишги бўйича 0.227 бўлган. Голштанлаштирилган ва зотдорлиги $\frac{1}{4}$ ҳамда $\frac{3}{4}$ бўлган хўжалик фойдали кўрсаткичлари ва насл сифати бўйича турли бўлган иаслдор голштин зотли булакардан олинган сигирларда сут миқдориинг наслдан-наслга ўтитп коэффициенти" тегишли равишда 0,668-0,530, сутнинг ёғлилиги бўйича эса, 0,224-0,362 га баробар бўлган.

Муаллифнинг хулосасига кўра, голштин зотли булакардан чатиштири)нда фойдаланиш қора-ола . зотли подалардаги қорамолларнинг насл ва маҳсулдорлик сифатларини тез суръатларда такомиллаштариш имконини беради.

Муаллифнинг маълумотларига қараганда "Политотдел", наслчлик заводида голштин зоти бўйича $\frac{1}{2}$ ва $\frac{15}{16}$ зотдорликдаги сигирларида сут миқдорининг наслдан-наслга ўтиш коэффициента тегишли равишда 0.28-0,36. сутининг ёғлилиги бўйича 0,61-0.68, соф қора-ола зотли сигирларда эса 0,33-0,66 га баробар бўлган. Бу маълумотлар ушбу хўжалик фойдали белгиларни молларнинг фенотапи бўйича танлаш юкори самара беришдан далолат беради.

Л, С. Жебровский (1987) хулосасида сутдор қорамоллар подалардаги сигирлариинг сут маҳсулотлигини оширишда ва .зотии такомиллаштаришда асосий хужалик фойдали белгиларнлнг наслдан-наслга утиш коэффициенти билан бирга молларнинг ўз маҳсулдорлиги бўйича таклаш ҳамда селекция иши самарасини ошириш имконини беради,

Шундай килиб, ўтказилган кўплаб илмий тадқиқотларнинг нйатажаларини тахдили шуни кўрсатадики, сигирларнинг асосий хўжалик фойдали белгилари уларнинг авлодларига берилади, бу эса қорамоллар подаларида селекция-наслчилик ишларини юргизишда уларии аждодларииниш маҳсулдорлигн бўйича танлаш ишларини олиб бориш муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигндан далолат беради.

В.Г.Сарабкин, В.Ф.Зубриянов (2003), И.Л.Суллер (2003) хулосаларига караганда, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва тирик вазни уларнинг аждодларининг кўрсаткичларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, жаҳон генофондига хос буқалар салоҳиятидан кенг фойдаланиш, зотларни такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Шунга ўхшаш хулосалар И.М.Дунин, А.И.Прудов, К.К.Аджибеков, Д.Г.Прохоренко (2003) тадқиқотлари натижаларида ҳам кўзга ташланади.

С.А.Ламанов, С.В.Погодаев (2003) тадқиқотларида голштинлаштирилган бузоқларнинг тирик вазни 18 ойлигида соф зотли тенгқурларникига нисбатан 8,3 кг, улар тукқандан кейин сут маҳсулдорлиги эса 523 кг юқори бўлганлиги кузатилган.


А.Т.Мътсик (2005) фикрига кўра, сигирлар маҳсулдорлиги ва тирик вазниини оширишда жаҳон генофондига хос зотларнинг генетик салоҳиятидан унумли фойдаланкш ва молларни озикдантириш шароитимм яхшилагг энг $\wedge < \text{ух.мм}$ $\wedge \text{су}^{\wedge}$ шардан оири бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқори тирик вазнга эга сигирларни етиштирингда тўла қийматли озиклантириш ва асра шароитлари билан бирга келиб чиқиши ҳамда бузоқларня мақсадга мувофиқ ўстириш омиллари муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигини кўплаб тадқиқотлар натижалари кўрсатади. Бу эса юқори маҳсулдор подалар яратишда ушбу омилларга алоҳида эътибор бериш муҳимлигидан далолат беради.

Тахлилларга кўра 2010 йилнинг 1-январ ҳолатига Республикадаги барча тоифадаги хўжаликларда 8510,8 минг бош қорамол ва шу жумладан 3535,6 минг бош сигир парваришланмоқда. Жами қорамоллар бош сони 2006 йилга нисбатан 2010 йилда 36 фоизга, шунингдек сигирлар бош сони 25 фоизга ўсган (1-илова).



Барча тоифадаги хўжаликлардаги сизирларнинг сут маҳсулдорлиги ва ўртача ҳар бир сизирдан соғиб олинган сут миқдори наслчилик хўжаликларидаги сизирларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари билан таққосланди (2-илова).



Маълумотлар таҳлилига кўра, барча тоифадаги сизирлардан 2006 йилда ўртача 1614 кг сут соғиб олинган, бу кўрсаткич 2010 йилда 1679 кг етган ва

сўнгги йиллар давомида ҳар бир сигирдан соғилган сут миқдори ўртача 65 кг-га оширилишига эришилган. (5,6,9)

Наслчилик хўжаликларида ўз навбатида ушбу кўрсаткич 442 кг-га ортган ва барча тоифадаги сигирларнинг сут соғими кўрсаткичларига қараганда наслчилик хўжаликларидаги сигирларнинг ўртача сут бериш маҳсулдорлиги 74 фоизга зиёд бўлган (2-илова).

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги паст даражада қолган. Бунинг асосий сабаблари уларни маҳсулдорлик генетик имқониятлари ва айниқса сақлаш ҳамда озиқлантиришдаги экстенсив шароитлар билан боғлиқ. Маълумки, маҳсулдорликка таъсир этувчи факторлар ичида озиқлантиришнинг салмоғи 60-65 фоизга тенг. Сигирларни етарли даражада озиқлантирмаслик натижасида уларнинг маҳсулдорлик имқониятлари 60-70 фоиз атрофида намоён бўлмоқда. Шунинг билан биргаликда шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида наслдорлик хусусиятларини юзага чиқарувчи селекция-наслчилик ишлари тизими йўлга қўйилмаган. (3,4,8)

Таҳлиллардан кўринадики, қорамолчиликда сон кўрсаткичлари етарли бўлсада, сифат кўрсаткичлари пастлигича қолган. Бунда селекция-наслчилик ишларида танлаш ва саралаш асосида юзага чиқариладиган ирсий сифат кўрсаткичларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш учун мавжуд зотларда олиб бориладиган танлаш ва саралашни тўғри ва аниқ белгилаш, шунингдек урчитилаётган қорамолларнинг ирсий имқониятларини тўлиқ юзага чиқариш бўйича амалга ошириладиган барча чора-тадбирлардан самарали фойдаланиш салоҳиятини кенгайтириш зарур.

1.3. Республикада районлаштирилган қорамол зотлари.

Қора-ола зотли қорамоллар Россиянинг турли ҳудудларида маҳаллий молларни голланд зоти би-лан чатиштириш, олинган янги авлодларни танлаш ва саралаш асосида шаклланган.

Ўзбекистонга ушбу зотли моллар биринчи бор 1882 йилда олиб келинган. Улар 1925-1934 йиллар Тошкент атрофида шаклланган қора-ола тусли сут йўналишидаги қорамол подаларини яратишда ижобий таъсир кўрсатган.

Наслчилик базасини яратиш мақсадида 1939-1950 йиллари Тошкент вилоятининг Чиноз туманига Россиянинг Саратов ва Смоленск вилоятлари хўжаликларидан 924 бош голланд зотли тана ва ғунажинлар олиб келинган.

Чиноз туманида Вревский-3, ҳамда Вревский-4 наслчилик репродуктив хўжаликлари ташкил қилинган. 1941-1942 йиллари эса Вревский наслчилик хўжаликларида етиштирилган голланд зотли моллар ҳисобидан Сирдарё вилоятидаги «Малик» хўжалиги подаси ташкил этилган. 1950-1957 йиллар мобайнида қора-ола зотли моллар республикага кўплаб олиб келинган ва уларни урчитиш ҳудудлари кешайтирилган.

1957 йили Тошкент давлат наслчилик станциясининг ташкил этилиши билан қора-ола зотли моллар наслчилик ишлари вилоят миқёсда кенгайтирилди. Ушбу станцияга Эстониядан Юница 0014, Игидера 191, Таниталаус 203, Ролланд 1053, Лиминт 138 ва бошқа машҳур буқа тизимларига хос бўлган буқалар келтирилиб, сунъий уруғлантиришда кенг фойдаланилди. Йирик наслчилик хўжаликлари подаларида сигирлар сони 1000-1500 бошга етказилиб, улардан 4500-5000 килограммдан зиёд сут соғиб олинган.

Қора-ола зотли моллар табиий иқлим шароитига ва сут соғиш агрегатига тез мослашиши ва юқори сут маҳсулдорлик хусусиятлари билан бошқа зотлардан кескин фарқланади. Шунинг учун ҳам мазкур зот Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига кенг тарқалган. 1980 йилларда улар бош сони 500 минг бошга яқин бўлган. Улар асосан Тошкент (155,4 мингта), Самарқанд (108,7 мингта), Фарғона (98,4 мингта), Сирдарё (48,6 мингта), Наманган (26,6 мингта), Сурхондарё (25,9 мингта), Жиззах (11,5 мингта), Андижон (6,4 мингта вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (15,8 мингта хўжаликларида урчитилган.

Мазкур зот бўйича биринчи бор наслчилик заводлари Тошкент вилоятининг собиқ «Чиноз» давлат хўжалиги, «Қизил шалола» тажриба хўжалиги, «Политотдел» ва Сирдарё вилоятининг «Малик» давлат хўжаликларида ташкил этилган.

Эстония қора-ола зотли «Линдберг Н-2363», «Калур Н-4036» «Неэро эст-173» ҳамда голланд зотли «Анна-Адема 37910», «Никс 31652» тизимларига хос бўлган авлодлар наслчилик ишларида яхши натижалар берган. Қора-ола зотининг Эстония селекциясига хос бўлган «Рейноқ 119» ва голланд зотига хос бўлган «Само-Виске» буқаларининг янги завод тизимлари яратилган. Зот андозаси талабига жавоб берадиган моллар салмоғи 77 фоизни ва шу жумладан сигирлар 75 фоизни ташкил этган.

Қора-ола зотли молларнинг такомиллаштириб борилиши натижасида Ўзбекистон хили шаклланган ва ўзининг тана тузилиши ва маҳсулдорлик хусусиятлари билан қора-ола зотли молларга хосдир. Сигирларининг ўртача тирик вазни 480-500 кг, айримлари 650-700 килограммга етади. Давлат наслчилик китобига ёзилган соф қора-ола зотли сигирларнинг сут соғими ўртача 4773 килограммга, ёғдорлиги 3,6 фоизга тенг. Уларнинг III ва IV чатишма авлодларининг сут маҳсулдорлиги тегишлича 4738 кг ва 3,67 фоизга тўғри келган. «Чиноз» давлат наслчилик заводида «Чёлка» лақабли сигир бешинчи лактациясида 10518 килограмм сут берган. 1989 йили Само Веске тизимига хос бўлган 551 рақамли сигирдан ўртача 4560 кг, 3,72 фоиз ёғлиликдаги сут соғиб олинган. Рейноқ 119 буқа тизимининг 247 рақамли сигири ўртача 4520 кг, 3,7 фоизли ёғликда сут берган. Қора-ола зотли буқачалар гўштга жадал боқилганда 15-18 ойлигида 450 -500 килограмм вазнга етади ва сўйим чиқими 55-57 фоизни ташкил қилади.

Республикада 1970-1975 йиллардан бошлаб, қора-ола зотини голштин зоти билан такомиллаштириш услуби қўлланилмоқда. Уларнинг турли голштин (50, 75, 87%) қонли I, II ва III-чатишма авлодлари олинган. Чатиштириш ёки саралаш ишларида Уес Идеал 933122, Монтик Чифтейин 95679, Силинг Трайджун Роқит 252803, Рефлексн Соверинг 198998

тизимларига хос бўлган яхшиловчи буқалар ишлатилган. Янги авлодларда голштин зоти қонинг ортиб бориши ҳамда сақлаш ва озиклантириш шароитларини оптималлаштириб бориш билан уларнинг сут маҳсулдорлиги кўтарилган, сутдорлик типи ва елиннинг морфофункционал хусусиятлари яхшиланган.

Қора-ола зотини такомиллаштиришда голштин зоти «яхшиловчи» деб қабул қилинган ва ундан самарали фойдаланишдаги селекция ишлари тадбиқ қилинмоқда. Зотни такомиллаштириш бўйича селскция ишларини Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институтини селекционер олимлари Т.Ф.Тавелдарова, А.К.Лвович, Э.Ю.Карчевский, А.П.Решетов ҳамда республика наслчилиқ корхоналари бошқариб борган.

Таъкидлаш жоизки, қора-ола зоти Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароитига мослашган сут йўналишидаги асосий зотлардан бири ҳисобланиб, улар бош сонини кўпайтиришда уларнинг урчитиш ҳудудлари кенгайтирилиб борилмоқда.

1.4. Ўзбекистон қорамолларининг зотдорлиги

Ўзбекистондаги мавжуд қорамолларни соф зотли, зоти яхшиланган ва маҳаллий қорамоллар гуруҳига бўлиш мумкин. Соф зотли қорамоллар 248 минг бош (3,0 фоиз) ни, IV бўғин авлодлар 464 минг бош (5,5 фоиз) ни, IV-бўғин авлодлар 903 минг бош (10,6 фоиз) ни, II-бўғин авлодлар 1 млн 400 минг бош (16,5 фоиз) ни, I-бўғин авлодлар 1 млн 861 минг бош (21,9 фоиз) ни, зоти яхшиланган моллар 3 млн 388 минг бош (39,8 фоиз) ни ва маҳаллий қорамоллар 247 минг бош (2,9 фоиз) ни ташкил этади (3-илова).

Республика қорамолчилигида селекция наслчилиқ ишларини олиб боришдан асосий мақсад табиий иқлим шароитда урчитилаётган мавжуд зотлардан самарали фойдаланган ҳолда уларнинг зотини такомиллаштириш ва шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларидаги қорамоллар наслини яхшилаш ҳисобига улар наслдорлигини ҳамда маҳсулдорлигини оширишдир.

Ҳозирги кунда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги қорамолларнинг наслини яхшилаш устида амалии ишлар олиб боришмоқда. Бу борада 2009 йилда 1,0 млн бош, 2010 йилда 1,3 млн бош сигирларни жойларда ташкил этилган сунъий уруғлантириш шахобчалари орқали наслдор буқаларнинг музлатилган уруғлари билан сунъий уруғлантиришга асос солинди.

Ҳар бир ҳудудда урчитилаётган зотларда селекция-наслчилик ишларини олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу борада йиллар давомида амалий тажриба тўпланган.

Республикада ўтган йиллар давомида «Ўзнаслчилик» корхонасидагн сут, сут-гўшт ва гўшт йўналишидаги наслдор буқаларнинг музлатилган уруғларидан фойдаланиб келинди.

Районлаштирилган зотларнинг наслдор буқаларидан фойдаланишда республикада ишлаб чиқилган жуфтлаш режасига Мувофиқ олиб борилди (1-жадвал).

Зотларни шакллантириб боришда Америка қўшма штатлари, Англия, Голландия, Германия, Франция, Россия ва Болтиқбўйи республикаларидан келтирилган наслдор буқалар ва уларнинг музлатилган уруғларидан фойдаланилди.

Республикада қора-ола, голланд, голштин, бушуев, қизил чўл, англер, швиц, латвия кўнғири, санта-гертруда, қозоқи оқбош, абердин-ангус зотларининг буқаларидан ва чатиштиришда уларнинг музлатилган уруғларидан фойдаланилган.

Юқорида қайд этилган **сут йўналишидаги** қора-ола голштин зотли наслдор буқаларнинг ота-она кўрсаткичлари 11000-13000 кг, сғдорлик даражаси 3,8-3,9 фоизни ташкил этган.

1-жадвал

Ўзбекистон қорамол зотларини жойлаштириш режаси

Республика ва вилоятлар	Сут ва гўшт-сут йўналишидаги зотлар	Гўшт йўналишидаги зотлар
Қорақалпоғистон	қизил чўл (қизил), бушуев, қора-	санта-гертруда,

Республикаси	ола	қозоқи оқ бош
Андижон	швиц (қўнғир), қора-ола	
Бухоро	қизил чўл, қора-ола	
Жиззах	қора-ола, қўнғир (қўнғир), қизил чўл	санта-гертруда, қозоқи оқ бош
Қашқадарё	қизил чўл (қизил), қора-ола, қўнғир	абердин-ангус
Навоий	қизил чўл (қизил), қора-ола	
Наманган	швиц (қўнғир), қора-ола	
Самарқанд	қизил чўл (қизил) қора-ола	
Сурхондарё	қора-ола, швиц (қўнғир), қизил чўл (қизил)	абердин-ангус
Сирдарё	бушуев, қора-ола, швиц (қўнғир),	
Тошкент	қора-ола, швиц (қўнғир), бушуев	
Фарғона	қора-ола, швиц (қўнғир)	
Хоразм	қизил чўл (қизил), қора-ола	қозоқи оқ бош

Шунингдек **қизил зотли молларда англер** зотли наслдор буқаларнинг маҳсулдорлиги ҳам қора-ола зотли наслдор буқаларнинг маҳсулдорлигидан қолишмайди. **Қўшмаҳсулдор зотли қорамолларда** швиц зотли наслдор буқалардан фойдаланилган ёки уларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича кўрсаткичлари 8000-9000 кг, ёғдорлиги 3,9-4,2 фоизни ташкил этган.

Гўшт йўналишидаги наслдор буқаларнинг музлатилган уруғларидан гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликларида фойдаланилган.

Узоқ йиллар давомида фойдаланилган наслдор буқаларнинг келиб чиқиш тарихига назар ташланганда, улар бир неча авлод тизимларга хос бўлган наслдор буқалардир.

1.5. Қорамол зотларида фойдаланилган тизимлар

Республикадаги қорамол зотларида олиб борилган селекция-наслчилик ишларида зотлар такомиллаштирилган ва унда фойдаланилган тизимлар қуйидагиларни ташкил этади.

Қора ола зотга мансуб Франс-2602, Аннас Адема 30587, Ирис-1033, Блитсард Кеймпи-43454, Питер Атлета-43445, Хильтес Адема-37910 тизимлари.

Республикада 1988-2009 йиллар давомида 160 дан зиёд наслдор букаларнинг чуқур музлатилган уруғлари ишлатилган. Улар юқорида қайд қилиб ўтилган тизимларнинг авлодлари саналади. Мавжуд линияларни ўзаро таққослаганда, Рефлекшн Соверинг линиясидаги биринчи бор туккан сигирларининг сут миқдори Хильтес Адемага қараганда 7,4% га, Уес Идеал линиясидаги сигирларга нисбатан 1,7% га, сутдаги ёғдорлик эса 0,02-0,03 фоизга кўп бўлди. Бу эса келгусида Хильтес Адема линиясидаги ва линияси номаълум сигирларни Рефлекшн Соверинг линиясидаги букалар билан яхшилаш мумкинлигидан далолат беради (2-жадвал).

2-жадвал

Линиялар бўйича урчитилган сигирларнинг сут маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Линиялар			
	Уес Идеал	Рефлекшн Соверинг	Хильтес Адема	линиясиз сигирлар
I лактацияси тугаган сигирлар, бош	528	466	357	305
Сут миқдори, кг	3155	3192	3040	2910
Ёғдорлиги, %	3,76	3,78	3,75	3,68
Ёғ миқдори, кг	118,6	120,7	114,0	107,1
Тирик вазни, кг	356	351	342	340
III лактация ва катта сигирлар, бош	3525	3460	2620	5479
Сут миқдори, кг	2980	2996	2949	2713
Ёғдорлиги, %	3,77	3,78	3,74	3,75
Ёғ миқдори, кг	104,8	105,6	102,8	101,7
Тирик вазни, кг	435	425	420	405

Бу кўрсаткич айниқса сутдаги ёғ чиқимида яққол кўринади. Рефлекшн Соверинг авлодлари Хилтес Адемага нисбатан 6,3 кг ёғни кўп берган.

Сунъий уруғлантиришда эса 2002-2008 йиллар мабойнида голштин зотига мансуб Волкер 21045093, Астра 11038846, Бурврен 515515, Вопман 20726814, Вудли 13083903, Сампад 157770058 лакабли наслдор буқалар ишлатилган. Улар Англия, ГФР ва Голландия мамлакатларида яратилган Уес Идеал ва Рефлекшн Соверинг линияларига мансуб буқалар ҳисобланади (3-жадвал).

3-жадвал

**Республика хўжаликларида 2002-2008 йилларда фойдаланилган
наслдор буқаларнинг тавсифи**

Тавсифи	Буқаларнинг инв. № ва лақаби					
	Волкер 20145093	Астра 11038846	Бурврен 515515	Вопман 20726814	Вудли 13083903	Сампад 157770058
Зоти	голштин	голштин	голштин	голштин	голштин	голланд
Туғилган йили	1983	1988	1985	1988	1983	1988
Туғилган жойи	ГФР	ГФР	Англия	ГФР	ГФР	Голландия
Комп.класси	эл.рек	эл.рек	элита	эл.рек	эл.рек	элита
Линияси	Уес Идеала	Уес Идеала	Рефлекшн Соверинг	Уес Идеала	Уес Идеала	Рефлекшн Соверинг
Онасининг сут миқдори, кг	9252	9159	10576	7108	10056	9966
Сутидаги ёғдорлиги, %	4,33	4,38	3,98	4,05	4,54	4,74
От. Он сут миқдори, кг	10206	7982	8537	9575	10206	8342
Ёғдорлиги, %	4,27	4,16	4,37	4,06	4,27	4,81
Фойдаланилган йиллар	1988-1991	1995-1996	1993-1994	1993-1994	1997-1998	1999-2000

Уес Идеал линиясига мансуб буқаларнинг оналарининг сут миқдори 8893 кг. ни, сутидаги ёғдорлик 4,32% ни, Рефлекшн Соверинг линиясидаги буқаларнинг оналари эса 10271 кг сут бериб, ёғдорлиги 4,36% ни ташкил этган ва қуйидаги 3-жадвалда айрим наслдор буқаларнинг тавсифи келтирилади.

Ўзбекистонда чет эл чорвадорлари билан халқаро муносабатлар ўрнатилди. Исроил ва Германия техник ҳамкорлик жамиятлари билан наслчилик ишлари олиб борилганда. АҚШ дан келтирилган наслдор буқаларнинг музлатилган уруғларидан ҳам фойдаланилди (4-жадвал).

4-жадвал

**Германия техник ҳамкорлик маркази томонидан
Ўзбекистонга келтирилган наслдор буқалар рўйхати**

№	Буқа лақаби ва туғилган йили	Отаси	Отасининг онаси	Онаси	Зоти	Туғилган жойи ва келтирилган йиллар
1.	Кено 28.06.1995	Мендел 29.10.1989	Мадлей 3; 11785; 3,89; 459; 2,89	Киристина 1; 11845; 4,10; 486; 3,7; 438	голштин	Германия 2001
2.	Жона 16.11.1995	Журор 01.01.1990	Жустина 4/305, 15840, 4,0 633, 3,88	Хайти 3/305, 12280, 4,17, 512, 3,16	голштин	Machlir 2002
3.	Эсприт 23.04.1996	Эскуйман 26.08.1989	Кассина 3/305, 10986, 3,66 402, 3,0	Атина 2. 14730, 4,49, 661, 3,54	голштин	Machlir 2002
4.	Реймонд 03.11.1993	Райдер	Рохетти 6/305, 9947, 4,6, 464	Монажиса 305, 12435, 4,38, 545, 3,37	голштин	Machlir 2002
5.	Масса 08.12.1995	Меррил 03.04.1998	Модел-фюрда 3/305, 15554, 4,06, 632, 3,16	Дкабстар 2/305, 13339, 4,4, 587, 3,40	голштин	Machlir 2002
6.	Устор 14.10.1994	Мотор 16.01.1998	Бамби 6/305, 9871, 6,04, 596, 3,55	Оланда 3/305, 9088, 4,92, 455, 3,17	англер	2002
7.	Унна 07.08.1994	Нау	Франка 5/305, 8309, 4,25, 353, 3,59	Рина 2/305, 8814, 4,70. 414, 3,51	англер	2002
8.	Эмлад	Эмади	Эмилия 7. 8704; 399; 4,56; 3,86	Эдилве 8401; 334; 3,97; 3,68	қўнғир	2002
9.	Стодот	Стор	Ратти 7730, 4,13, 323, 3,62	Зоя 2/6394, 264, 4,13, 3,98	қўнғир	2002
10.	Хаттрик	Нортон	Ленора 2. 11912, 4,12, 491, 3,67, 437	Ленора-2, 5. 15119, 4,33, 655, 3,47, 525	голштин	2002
11.	Амадин	Амаретто	Лага 6. 10732, 5,16, 554, 3,83, 411	Ламберта 4, 13142, 4,89, 642, 3,50, 460	голштин	2002
12.	Лордман 20.05.1997	Лорд Лили	Эаст Голда 2. 10396, 4,41, 458, 3,47, 361	Голден 2. 12578, 4,19, 527, 3,45, 434	голштин	2002
13.	Жефф 03.05.1990	Журор	Кати 5. 13257, 4,50, 596, 3,17, 420	Карина 4. 11767, 5,08, 599, 3,39, 400	голштин	2002
14.	Рудник 30.05.1997	Рудолф	Ралфи 5. 11347, 4,92, 558, 3,6, 409	Оливия 2. 11587, 4,21, 488, 3,42, 396	голштин	2002

Германия техник ҳамкорлиги лойиҳасига мувофиқ Тошкент, Фарғона вилоятларидаги фермер хўжаликларининг подаларида голштин зоти билан урчитиш ишлари олиб борилиб, ситирларнинг сут бериш хусусиятини оширишга эришилди.

Германия голштин буқалари Фарғона вилояти хўжаликларида авлодининг сифати бўйича баҳоланганда, I-авлодлардан олинган сут соғими Кено лақабли буқасида 4541 кг, ёғдорлиги 3,86 фоиз, Жеффдан-3952 кг, 4,55 фоиз, Арслондан-3891 кг, 4,08 фоиз ва Табсилдан -3578 кг, 3,83 фоизга тўғри келган. Уларнинг сут соғими бўйича селскция самарадорлиги (Р) Т.У.Носиров ва О.Усмоновларнинг маълумотлари бўйича тегишлича +450; 484; 447; 324 ва 279 килограммга тенг.

Демак, Германия голштини яхшиловчи буқалардан фойдаланиш қора-ола зотини такомиллаштиришда ижобий натижа беради.

Республикадаги мавжуд соф зотли қорамол гуруҳларини такомиллаштириш, махсулдорлик ҳажмларини жадал кўпайтириш, конини янгилаш мақсадида 2006-2009 йилларда чет давлатлар билан Ўзбекистон чорвадорлари ўртасида халқаро муносабатлар ўрнатилди.

Чет давлатлардан қорамолларнинг қора-ола, қизил-ола, қизил-чўл, швиц, флекфи зотларига мансуб 16986 бош насли қорамол келтирилди (5-жадвал).

5-жадвал

**Чет давлатлардан 2006-2009 йилларда келтирилган
насли қорамоллар**

Т.с	Давлатлар	Йиллар				Жами
		2006	2007	2008	2009	
1.	Польша	264	0	326	1144	1734
2.	Голландия	68	460	600	330	1458
3.	Германия	0	165	1193	1497	2838
4.	Украина	163	397	1753	2862	5175
5.	Белорусь	0	75	644	75	794
6.	Хитой	0	858	589	0	1447
7.	Қозоғистон	137	1242	1396	223	2998
8.	Швейцария	-	-	-	350	350
9.	Австрия	-	-	-	192	192
	Ҳаммаси	632	3197	6501	6673	16986

Четдан келтирилган насли моллар подасидан фойдаланиш ва улардан келгуси йилларда самарали фойдаланиб насл олиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Улардан олинган авлодлар бош сони 17296 бошдан ортиб кетди. Келтирилган зотли қорамолларнинг 9361 бош (55 фоиз) ини наслчилик фермер хўжаликлари томонидан сотиб олинди. Шунингдек бошқа йирик корхоналар томонидан йирик подалар гуруҳи сотиб олинган ва уларни сақлаб қолиш мақсадида корхоналарга наслчилик хўжаликлари мақоми берилди.

Наслдор ғунажинлардан насл олиш ва олинган авлодлардан самарали фойдаланиш мақсадида уларни парваришlash технологияларини таъминлаш бўйича ишлар йўлга қўйилмоқда.

Республикада урчитилаётган қорамоллар наслдорлигини таъминлаш мақсадида 1957 йилда «Ўзнаслчилик» корхонаси ташкил этилган. Корхона насли буқачалар билан таъминланиб келинган. Шунингдек чет давлатлардан ҳамда қорамолчиликка ихтисослаштирилган наслчилик заводларидаги қорамол зотларининг наслдор буқаларининг музлатилган уруғлари тайёрланган.

Бугунги кунда республикадаги мавжуд қорамолларни 98,6 фоизи маҳаллий, турли зотларга мансуб бўлган зоти яхшиланган ва зотдор қорамоллар ҳисобланади. Районлаштирилган зотларга қараб шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги маҳаллий ва зоти яхшиланган қорамоллар чатиштириб келинмоқда. Мавжуд қорамоллар зотини яхшилаш мақсадида 335 та қорамолчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлар ва бошқа корхоналар базасида наслчилик хўжаликлари ташкил этилган. Уларда 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига 85777 бош қорамол, шу жумладан 28859 бош сигир парваришланмоқда (4-илова). Бу республиканинг барча тоифасидаги хўжаликларидаги қорамолларга нисбатан 1,4 фоизини, шунингдек сигирларнинг 1,2 фоизини ташкил этади.

Наслчилик хўжаликларида 2009 йилда ҳар бир сигирлардан ўртача 2920 кг дан сут соғиб олинди.


Наслчилик хўжаликларидан насли қорамол тайёрлаб сотиш ҳар йили ортиб борган ва 2009 йилда 5014 бош насли қорамол тайёрлаб сотилди. 2006 йилга нисбатан 2009 йилда ёш насли моллар тайёрлаб сотиш 2086 бош (71 фоиз) га кўпайган (6-жадвал).

6-жадвал

Наслчилик хўжаликларидан мол тайёрлаб сотиш динамикаси

Вилоятлар	Насли мол тайёрлаб сотиш, бош (1 январь ҳолатига)				
	2006	2007	2008	2009	2010
Қорақалпоғистон Р.	62	145	273	127	100
Андижон	68	287	300	153	100
Бухоро	62	70	121	203	345
Жиззах	30	76	76	135	75
Қашқадарё	475	827	827	974	721
Навоий	120	0	176	335	193
Наманган	43	146	146	227	151
Самарқанд	25	145	145	136	432
Сурхондарё	164	384	651	469	479
Сирдарё	177	195	274	143	48
Тошкент	1536	960	1175	1500	1875
Фарғона	71	191	135	58	285
Хоразм	95	196	377	205	210
Жами:	2928	3622	4676	4665	5014

Қорамолчилик наслчилик хўжаликларида сут, сут-гўшт ва гўшт йўналишидаги қорамоллар парваришланмоқда. Уларни зотлар бўйича тақсимланиши қуйидаги суратда келтирилди.



Сут йўналишидаги қора-ола зотли моллар 46181 бош (53,8%) ни, қизил зотга мансуб қорамоллар 19385 бош (22,6%) ни, бушуев зотли моллар бош сони 1040 бош (1,2%) ни, сут-гўшт йўналишидаги қўнғир зотли қорамоллар 10621 бош (12,4%) ни, гўшт йўналишидаги санта-гертуда зотли қорамоллар бош сони 8158 бош (9,5%) ни, козоқи оқбош 297 бош (0,3%) ни ва абердин-ангус зотли қорамоллар 95 бош (0,1%) ни ташкил этади.

Наслчилик хўжаликларидаги қорамолларнинг зоти ва зотдорлиги бўйича маълумотлар тахлили шуни кўрсатмоқдаки, жами 85777 бош қорамолнинг 57877 бош (67,5%) соф зотли ва IV-бўғин авлодига мансуб қорамоллар, III-бўғин авлодига мансуб қорамоллар 21316 бош (24,9%) ни, II-бўғин қорамоллар 4561 бош (5,4%) ни, I-бўғин авлодлар 1260 бош (1,5%) ни ва зоти яхшиланган моллар 691 бош (0,8%) ни ташкил этади (5-илова).

Қорамолчиликда ўтказилаётган асосий тадбир **танлаш ва саралаш** ишларининг самараси наслчилик ишларида тўғри ташкил этишни талаб этади.

Қорамоллар зотини танлаш ва наслчилик хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини оширишда Ўзбекистон шароитига зотларни мослашувчанлигига асосий эътибор қаратилган. Қорамолларни зотлари бўйича саралашда ҳар бир зотнинг келиб чиқиши, муҳитга мослашипш ҳамда маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш мақсадида Республикадаги мавжуд зотларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларига қараб жуфтлаштириш тадбири ўтказиб келинган.

Жуфтлаштириш тадбирининг натижаси қорамолларни баҳолаш йўли билан аниқланган. Наслчилик хўжаликларидаги қорамолларни баҳолаш натижасида олинган баллар йиғиндиси асосида классларга тақсимланганда қуйидаги классларга ажратилган.

Жами 28859 бош сигирларнинг 6281 боши (21,8%) элита рекорд классига мансублиги, 8872 боши (30,7%) элита классига, 11196 боши (38,8%) 1-класс, 2073 боши (7,2%) II-класс ва 437 боши (1,5%) нокласс классларга мансуб. Баҳолаш натижалари билан қорамолларнинг сон ва сифат

кўрсаткичларини селекция-наслчилик ишлари жараёни орқали ошириш бўйича чора ва тадбирлар белгиланган.

Селекция-наслчилик ишларида сигирларнинг насл бериши, ёш молларнинг ўсиш ва ривожланишига, елин параметрларига, сут маҳсулдорлигига ҳамда сутнинг сифат кўрсаткичларига эътибор қаратилади.

II. Тадқиқотни ўтказиш манбаи ва услуби

Тадқиқотлар 2011-2012 йилларда Тошкент вилояти Куйчичик туманидаги “Сут булок” фермер хўжалигида қорамол фермасида ўтказилди.

Тажриба учун бир бирига ўхшаш белгилари тирик вазни, ёши ҳисобга олинган ҳолда 2 гуруҳ қора-ола зотли маҳаллий селекция ва Украина олиб келинган қора - ола зотли бўзоқлар ва урғочилар танлаб олинади.

1-тасвир

Гуруҳ	Бош сони	Зотдорлиги	Тадқиқотлар давомийлиги
1	10	Қора-ола зот маҳаллий селекцияси	18 ойгача
2	10	Қора-ола зот Украина селекцияси	18 ойгача

Тадқиқотлар тажриба гуруҳларида молларнинг қуйидаги белгилари ўрганилган.

1. Бузоқларнинг тўғилгандаги тирик вазни 2-МОЛ хужатларидага ёзув асосида, кейинчалик эса 3, 6, 12 ва 18 ойликларида, яккама-якка тартибда тарозидан тортиши орқали ўрганилган. Бузоқларнинг мутлоқ, нисбий ва кунлик тирик вазнининг ўсиш кўрсаткичлари мавжуд қабул қилинган усулларда ўрганилди.

2. Молларнинг экстерери қуйидаги тана ўлчамларини: яғрин баландлиги, кўроқ чуқурлиги, кўкрак эни, кўкрак айланаси, тананинг қия

узунлиги, орқа дум суяк эни ва пойча айланаси ни 3 ўлчам асосида ва улар асосида тана индексларни ҳисоблаб чиқиш орқали ўрганилди.

3. Бузоқларни озиқани трик вазн билан қоплаш хусусиятлари умумий қабул қилинган усулларда ўрганилди.

4. Тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги тажриба гуруҳларидаги молларга кетган харажатлар ва улардан олинган маҳсулот қиймати ўртасидаги фарқни аниқлаш билан ўрганилди.

III. Хусусий тадқиқотлар натижалари

3.1. Тажриба гуруҳларидаги молларни озиқлантириш.

Бузоқларни мақсадга мувофиқ ўстришда, Уларнинг ўсиш, ривожланишини таъминлашда ва кўзланган тирик вазинга эришишда озиқлантириш амали алоҳида ўринга эга. Шунинг учун ҳам илмий тадқиқотларда тажриба молларига кетган озуқалар харажатларини ҳисобга олиш ва назорат қилиб бориш муҳим аҳамият кас этади. 6 жадвалда тажриба гуруҳларидаги бузоқларга туғилгандан 6 ойликкача бўлган озиқалар сарфи келтирилган.

Тажриба гуруҳларидаги ҳар бир бош бузоққа туғилганидан 6 ойликкача бўлган озуқалар сарфи, кг

6-жадвал.

Озуқалар	Гуруҳлар			
	1		2	
	кг	Озуқа бирлиги	кг	Озуқа бирлиги
Ёғли сут	270	91,80	270	91,80
Беда пичани	63,0	29,61	72,6	34,12
Маккажўхори силоси	80,1	16,02	78,8	15,76
Яшил беда	970,0	174,60	980,1	176,41
Омухта ем	143,5	129,15	146,2	131,58
Озуқа таркибида:	-	441,18	-	449,67

Озуқа бирлиги, кг				
-------------------	--	--	--	--

Тажриба гурухларидаги 6 ойликкача бўлган бузоқлар рационининг таркиби, умумий тўйимлилигига нисбатан % ҳисобида.

7-жадвал.

Озуқалар	Гурухлар	
	1	2
Қаймоғи олинмаган	20,81	20,42
Беда пичани	6,71	7,59
Маккажўхори силоси	3,63	3,50
Яшил беда	39,58	39,23
Омухта ем	29,27	29,26
Жами:	100,0	100,0

7-жадвал маълумотларидан кўринишича, тажриба гурухларида истеъмол қилинган озуқаларнинг тўйимлилиги ўртасида сезиларли фарқ кузатилмади, аммо беда пичанинг тўйимлилиги 2 гурухда тегишли равишда 0,88 1 гурухга нисбатан юқори бўлди. Умуман олганда, 7-жадвал маълумотлари барча гурухларда 6 ойгача бузоқларни озиқлантириш бир хилда бўлганлигидан далалат берди.

Тажриба гурухларидаги ҳар бир бузоққа 7 ойликдан 18 ойликгача бўлган озуқалар сарфи, кг.

8-жадвал

Озуқалар	Гурухлар	
	1	2

	кг	Озуқа бирлиги	Кг	Озуқа бирлиги
Ёғли сут	1230	246,0	1286,0	257,20
Беда пичани	600	120,0	631,0	126,20
Маккажўхори силоси	4150	747,0	4190,4	754,27
Яшил беда	1050	357,0	1073,1	364,85
Омухта ем	184,5	166,05	185,1	166,59
Озуқа таркибида: Озуқа бирлиги, кг	-	1636,05	-	1669,12

2-гуруҳдаги бузоқлар 7 ойлигидан 18 ойлигигача 1-гуруҳдаги тенгкурларга нисбатан тегишли равишда 31,0 кг сомон, 56,0 маккажўхори силоси, 40,4 кг яшил беда, 23,1 кг беда сенажи, 0,6 кг омухта ем кўп истемол қилдилар ва бу озуқалардан 33,07 озуқа бирлиги юқори бўлганлиги кузатилди.

7 ойликдан 18 ойликкача бўлган бўзоқлар рационининг таркиби, умумий тўйимлилигига нисбатан % ҳисобланади.

9-жадвал

Озуқалар	Гуруҳлар	
	1	2
Қаймоғи олинмаган	7,33	7,56
Беда пичани	15,04	15,41
Маккажўхори силоси	45,66	45,19
Яшил беда	21,82	21,86
Омухта ем	10,15	9,98
Жами:	100,0	100,0

9-жадвал маълумотларинг таҳлилининг кўрсатишича, 7-18 ойлик даврида бузоқлар истемол этган озуқалар тўйимлилигининг нисбатида,

сезиларли гурухлараро фарқ кузатилмади, бу эса гурухларда озиқлантириш деярли бир хилда бўлганлигидан далолат берди.

10-жадвалда тажриба гурухларидаги молларнинг туғилганидан 18 ойликкача бўлган давридаги озуқалар сарфи келтирилди. 10-жадвал маълумотларининг кўрсатишича ҳарбир бош 2 гурухдаги бузоқ туғулгандан 18 ойлигигача 1 гурух менгқурига нисбатан тегишли равишда 9,60 кг беда пичан, 31,0кг яшил беда, 23,1 кг беда сенажи, 3,3 кг омукта ем кўп истемол қилди ва бу озуқалар таркибида озуқа бирлиги кўп бўлганлиги кузатилди.

Тажриба гурухларидаги ҳар бир бош бузоққа туғилганидан 18 ойлик ёшигача бўлган озуқалар сарфи, кг.

10- жадвал

Озуқалар	Гурухлар				
	1		2		
	кг	Озуқа бирлиги	кг	Озуқа бирлиги	
Ёғли сут	270,0	91,80	270,0	91,80	-
Беда пичани	63	29,61	72,6	34,12	-
Буғдой сомони	600	120,0	631,0	126,20	-
Маккажўхори силоси	1310,1	262,02	1364,8	272,96	-
Яшил беда	512 0	921,60	51 70,5	930,69	-
Беда сенажи	105 0	357,0	10 73,1	364,85	-
Омухта ем	328	295,2	33 1,3	298,17	-

Бузоқларнинг туғилгандан 18 ойликкача бўлган давридаги рационнинг таркиби, умумий тўйимлилигига нисбатан % ҳисобида.

11-жадвал

Озуқалар	Гурухлар	
	1	2
Қаймоғи олинмаган сут	4,42	4,33
Беда пичани	1,43	1,61
Буғдой сомони	5,78	5,96
Маккажўхори силоси	12,61	12,88
Беда сенажи	17,18	17,22
Яшил беда	44,37	43,93
Омухта ем	14,21	14,07
Жами:	100,0	100,0

11-жадвал маълумотларида сезиларли гурухлараро фарқ кузатилмаслиги, бу гурухлардаги бузоқларни озиқлантириш деярли бир хилда амлга оширилганлигидан далолатдир.

Тажриба гурухларидаги ҳар бир бош қора молга 18 ойлигидан туккангача бўлган озуқалар сарфи, кг

12-жадвал

Озуқалар	Гурухлар			
	1		2	
	кг	Озуқа бирлиги	Кг	Озуқа бирлиги
Буғдой сомони	1260	252,0	1279,4	255,88
Маккажўхори силоси	1890	378,0	1900,7	380,14
Беда сенажи	2100	378,0	2136,0	384,48
Яшил беда	2100	714,0	2122,4	721,61
Омухта ем	510,0	459,0	512,5	461,25
Озуқа таркибида: Озуқа бирлиги, кг	-	2181,0	-	2203,36

2 - гуруҳдан ҳар бир бош қорамолга 18 ойлигидан туққангача 1-гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан тегишли равишда 19,4 кг самон, 10,7 кг силос, 36 кг яшил беда, 22,4 кг беда сенажи, 2,5 кг омукта ем кўп сарфланди ва бу озуқалар таркибида озуқа бирлиги юқори бўлди.

13-жадвалда тажриба гуруҳларидаги молларнинг 18 ойлигидан туққанигача бўлган даврдаги рационининг таркиби келтирилади.

Тажриба гуруҳларидаги молларнинг 18 ойлигидан туққанигача бўлган даврдаги рационининг таркиби умумий тўйимлилигига нисбатан % ҳисобида.

13-жадвал.

Озуқалар	Гуруҳлар	
	1	2
Бугдой сомони	11,55	11,61
Маккажўхори силоси	17,33	17,25
Беда сенажи	32,74	32,75
Яшил беда	17,33	17,46
Омукта ем	21,05	20,93
Жами:	100,0	100,0

13 - жадвал маълумотларининг маҳлили тажриба гуруҳларидаги молларни озиқлантириш бир хилда ташкил этилганлигидан далолат беради.

14 - жадвада ҳар бир бош қорамолга туғилгандан туққанигача бўлган даврда ўртача озуқалар сарфи келтирилади.

14-жадвал маълумотларидан кўринишича, 2- гуруҳдаги қорамоллар туғилганидан то туққанигача бўлган давда 1- гуруҳ гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан кўп озуқа истеъмол қилдилар. Жуладан, 2- гуруҳдаги моллар 1-гуруҳга нисбатан беда пичанини 50,4 кг, силосни 65,4 кг, яшил бедани 86,5

кг, сенажни 45,5 кг, омух ерни 5,8 кг кўп истеъмол қилдилар ва бу озуқаларнинг таркибида 63,92 кг озуқа бирлиги юқори бўлди.

Тажриба гуруҳларидаги ҳар бир бош қорамолга туғилганидан туққанигача бўлган даврдаги озуқалар сарифи, кг.

14-жадвал.

Озуқалар	Гуруҳлар			
	1		2	
	кг	Озуқа бирлиги	Кг	Озуқа бирлиги
Ёғли сут	270,0	91,80	270,0	91,80
Беда пичани	63	29,61	72,6	34,12
Бугдой сомони	1860	372,0	1910,4	382,08
Маккажўхори силоси	3200,1	640,02	3265,5	653,10
Яшил беда	7220,0	1299,60	7306,5	1315,17
Беда сенажи	3150,0	1071,0	3195,5	1086,46
Омухта ем	838,0	754,20	843,8	759,42
Озуқа таркибида: Озуқа бирлиги, кг	-	4248,23	-	4322,15

15- жадвалда тажриба гуруҳларидаги моллар туғулганидан туққанигача бўлган даврдаги рацсионинг таркиби келтирилади. Умумий тўйимлилигига нисбат фоиз ҳисобида.

15- жадвал.

Озуқалар	Гуруҳлар	
	1	2
Қаймоғи олинмаган сут	2,16	2,12
Беда пичани	0,70	0,79
Бугдой сомони	8,74	8,84
Маккажўхори силоси	15,03	15,11

Беда сенажи	25,15	25,14
Яшил беда	30,51	30,43
Омухта ем	17,71	17,57
Жами:	100,0	100,0

3.2. Тажриба гуруҳлардаги ёки қорамолларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари.

Бузоқларнинг ўсиш ва ривожланиши даражасини баҳолашда уларнинг тирик вазни асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. 16 - жадвалда тажриба гуруҳларидаги бузоқларнинг тирик вазнинг ўзгариши келтирилган.

Бузоқчаларнинг тирик вазнинг ўзгариши, кг.

16- жадвал.

Ойлар	Гуруҳлар
	п-5
Туғулганда	28,8
3	97,3
6	172,1
12	296,4
18	413,3

16-жадвал маълумотларидан кўринишича, 2-гуруҳ бузоқчаларнинг тирик вазни 1-гуруҳдаги тенгқурлариникидан туғилганда 4,0 кг, 3 ойлигида 3,5 кг, 6 ойлигида 3,7 кг, 12 ойлигида 3,0 кг ва 18 ойлигида 4,3 кг юқори бўлди. Бир гуруҳ бузоқчаларнинг тирик вазни қора-ола зотли бузоқчаларнинг зот андоза талабларидан 6 ойлигида 2,1 кг, 2- гуруҳда эса 5,8 кг, 12ойлигида тегишли равишда 1,4 ва 4,4 кг, 18 ойлигида эса 3,3 ва 7,6 кг юқори бўлди.

17-жадвалда тажриба гуруҳлардаги урғачи бузоқларнинг туғулгандан 18 ойлигигача тирик вазнинг ўзгариши келтирилади.

Урғочи бузоқларнинг тирк вазнининг ўзгариши, кг.

17- жадвал.

Ойлар	Гурухлар	
	1 (П=5)	2 (П=5)
Туғулганда	28,2	20,7
3	89,4	91,8
6	151,4	153,2
12	236,8	239,8
18	335,4	338,8

17 - жадвал маълумотларининг кўрсатишига, 2-гурух урғочи бузоқларнинг тирик вазни 1- гурух бузоқлари кўрсаткичларидан туғулганда 2,5кг (1,8 %), 3ойлигида 2,4 кг (2,7 %), 6 ойлигида 1,8 кг (1,2 %), 12 ойлигида 3,0 кг (1,3 %), 18 ойлигида 3,4 кг (1,0 %) юқори бўлди.

1-гурух бузоқларининг тирик вазни қора-ола зотининг андоза талабларидан 6 ойлигида 1,4 кг, 2-гурухда эса 3,2 кг, 18 ойлигида эса туғишли равишда 5,4 ва 8,8 кг юқори бўлди.

Биз шунингдек тажриба гурухларидаги сигирлардан олинган авлоднинг тирик вазнинг кунлик ўсиш кўрсаткичларини ҳам ўргандик. 18-жадвалда бузоқларнинг тирик вазнинг тирик ўсиш кўрсаткичлари келтирилган.

Бузоқчаларнинг тирик вазнинг тирик ўсишининг ўзгариши, г

18-жадвал.

Ўсиш даврлари, ойлар	Гурухлар	
	1 (n=5)	2 (n=5)

0-3	752	780
4-6	554	555
7-12	527	520
13-18	555	558
0-18	702	708

18-жадвал маълумотларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, 2- тажриба гуруҳларидаги буқачаларнинг кунлик ўсиши туғулгандан 3 ойликгача 1-гуруҳдаги тенгқурлариникидан 28 г (3.72%) юқори бўлди, лекин кейинги ўсиш давларида маскур кўрсаткич бўйича сезиларли гуруҳлараро кузатилмади. Туғулгандан 18 ойликга қадар 2-гуруҳ буқачаларнинг кунлик ўсиш кўрсаткичи 1-гуруҳ буқачаларидан 6г (0,85 %) юқори бўлди.

Урғочи бузоқлар тирик вазнининг кунлик ўсишининг ўзгариши.

19-жадвал.

Ўсиш давлари, ойлар	Гуруҳлар	
	1 (n=5)	2 (n=5)
0-3	672	693
4-6	461	455
7-12	374	376
13-18	451	453
0-18	561	566

19-жадвалдан кўринишича, 2-гуруҳ урғочи бузоқларнинг кунлик ўсиш кўрсаткичи туғулгандан 3 ойликгача 1-гуруҳ бузоқларникидан ўртача 21 г (3,12%) юқори бўлди, аммо 4 ойликдан 6 ойликгача бўлган даврда 1-гуруҳ бузоқларнинг кунлик ўсиши 2-гуруҳдаги бузоқлар тенгқурлариникидан 6 г (1,32 %) юқори бўлди.

7-12 ва 13-18 ойик ўсиш давларида сезиларли гуруҳларарор фарк кузатилди. Туғилгандан 18 ойгакгача 2-гуруҳ бузоқларининг кунлик ўсиш кўрсаткичлари 1-гуруҳ тенгқурлариникидан 5г (0,89%) юқори бўлди.

20 - жадвалда тажриба гурухларидаги сигирлардан туғилган бузоқларнинг тирик вазнинг мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари келтирилди.

Букачалар тирик вазнинг мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари, кг.

20-жадвал.

Ўсиш давлари, ойлар	Гурухлар	
	1 (n=5)	2 (n=5)
0-3	68,4	71,0
4-6	50,4	50,6
7-12	97,76	95,8
13-18	100,6	101,0
0-18	384,4	387,8

20- жадвалдан кўринишича, туғилгандан 3 ойликгача 2 гуруҳ букачалар тирик вазнинг мутлоқ ўсиши 1 гуруҳ тенгқурлариникидан ўртача 2,6 кг ёки 3,80 юқори бўлди. Кейинги ўсиш давларида ушбу кўрсаткич бўйича гурухлараро катта фарқ кузатилади ва туғилгандан 18 ойликгача 2 гуруҳдаги букачаларнинг мутлоқ ўсиш 2 гуруҳдаги тенгқурлариникидан 3,0 кг ёки 0,88 % юқори бўлди. Шунга ўхшаш урғочи бу зоқлар тирик вазнинг мутлоқ ўсишида ҳам кузатилди.

Урғочи бузоқлар тирик вазнинг мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари, кг.

21-жадвал.

Ўсиш давлари, ойлар	Гурухлар	
	1 (n=5)	2 (n=5)
0-3	61,2	63,1
4-6	42,0	41,4
7-12	69,0	69,3

13-18	81,8	82,1
0-18	307,2	310,1

21-жадвал маълумотларининг берилишича, туғулгандан 3ойликкача бўлган даврда 2-гурухдаги буқаларнинг мутлоқ ўсиши 1-гурух тенгқурларидан ўртача 1,9 кг ёки 3,10 % юқори бўлди, кейинги ўсиш давларида эса гурухлараро катта фарқ кузатилмади ва туғилганда 18 ойликкача 2 гуруҳ бузоқларининг мутлов ўсиш кўрсаткичи 1 гуруҳдагиларникидан 2,9 кг ёки 0,94 % юқори бўлди.

Ёш молларнинг ўсиш суратини уларнинг нисбий ўсиш кўрсаткичларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. 22-жадвалда буқачаларнинг тирик вазнинг нисбий ўсиш кўрсаткичлари келтирилади.

Буқачалар тирик вазнинг нисбий ўсиш кўрсаткичлари, %.

22-жадвал.

Ўсиш давлари, ойлар	Гурухлар	
	1 (n=5)	2 (n=5)
0-3	120,0	122,2
4-6	33,7	33,6
7-12	39,1	38,1
13-18	27,7	27,5
0-18	173,8	173,8

22-жадвал маълумотларини таҳлил шуни кўрсатадики, ҳар иккала гуруҳда ҳам энг юқори нисбий ўсиш буқачаларнинг туғилгандан 3 ойликкача бўлган даврида кузатилди. Ушбу даврда 2 гуруҳ буқачаларининг нисбий ўсиш кўрсаткичи 1 гуруҳдагиларникидан 2,2 % юқори бўлди, лекин кейинги ўсиш давларида сезиларли гуруҳлараро фарқ кузатилмади. Шунга ўхшаш

натижалар урғочи бузоқлар тирик вазнининг нисбий ўсиш кўрсаткичларида ҳам олинди.

Урғочи бузоқлар тирик вазнининг нисбий ўсиш кўрсаткичлари , %.

23-жадвал.

Ўсиш давлари, ойлар	Гуруҳлар	
	1 (n=5)	2 (n=5)
0-3	104,2	104,8
4-6	32,2	31,2
7-12	34,1	33,8
13-18	27,8	27,6
0-18	169,1	168,8

Урғочи бузоқларнинг ҳар иккала гуруҳларда ҳам энг юқори нисбий ўсиш кўрсаткичи туғулгандан 3 ойликкача бўлган даврда кўрсатилди, лекин барча ўсиш давларида маскур кўрсаткич бўйича сезиларли гуруҳлааро фарқ аниқланмади.

3.3. Тажриба гуруҳлардаги ёки қорамолларнинг тана ўлчамлари ва индекс кўрсаткичлари.

Ёш қорамолларнинг ривожланишини баҳолашда уларнинг тана кўрсаткичларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. 24 - жадвалда тажриба гуруҳларидаги буқачаларнинг 18 ойлигидаги тана ўлчамлари келтирилади.

24-жадвал маълумотларидан кўринишича, буқаларнинг 18 ойлигидаги тана ўлчамлари ўртаси сезиларли фарқ кузатилмади. Лекин 2 гуруҳ буқачаларининг ярғин баландлиги 1 гуруҳдаги тенгқурлариникидан 0,9 см, кўкрак эни 1,4 см, кўкрак айланаси 4,1 см, тананинг қия узунлиги 1,2 см

юқори бўлди. Бу эса 2 гуруҳ буқачаларининг бўйи бироз баланд ва кўкрак кафаси яхши ривожланганлигидан далолат беради.

Буқачаларнинг 18 ойлигидаги тана ўлчамлари, см.

24-жадвал.

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	
	1 (n=5)	2 (n=5)
Яғрин баландлиги	121,1	122,0
Кўкрак эни	40,4	41,8
Кўкрак чуқурлиги	61,7	62,6
Кўкрак айланаси	170,1	174,3
Тананинг қия узунлиги	138,2	139,4
Орқа денг суяк эни	40,4	41,6
Пайча айланаси	17,8	18,0

25-жадвалда урғочи бузоқларнинг тана ўлчамлари келтирилади.

Урғочи бузоқларнинг 18 ойлигида тана ўлчамлари, см.

25-жадвал.

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	
	1 (n=5)	2 (n=5)
Яғрин баландлиги	118,4	119,4
Кўкрак эни	37,8	39,0
Кўкрак чуқурлиги	58,4	59,4
Кўкрак айланаси	166,8	168,5
Тананинг қия узунлиги	135,4	136,7
Орқа денг суяк эни	38,4	39,4

Пайча айланаси	17,0	17,2
----------------	------	------

2 - гуруҳ урғочи бузоқларнинг 18 ойлигда яғрин баландлиги 1 гуруҳ тенгқурлариникидан 1,0 см, кўкрак эни 1,2 см, кўкрак айланаси 1,7 см , тананинг қия узунлиги 1,3 см юқори бўлади. Бу маълумотлар 2 гуруҳ бузоқларининг кўкрак қафаси яхши ривожланганлигидан далолат беради.

Моллар экстерверини баҳолашда тана индекслари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. 26 - жадвалда буқачаларнинг 18 ойлигида тана ўлчамлари асосида ҳисоблаб чиқилган тана индекслари келтирилади.

Буқачаларнинг 18 ойлигида тана индекслари, %.

26-жадвал.

Тана индекслари	Гуруҳлар	
	1 (n=5)	2 (n=5)
Узуноёқлилиқ	49,0	48,6
Чўзилувчанлик	114,1	114,4
Кўкрак	65,4	66,7
Ихчамлилиқ	123,0	124,7
Суякдорлик	14,6	14,7
Зизлилиқ	140,4	142,7

26-жадвал маълумотларини таҳли этиши шундан далолат берадики, 2-гуруҳ буқачалари 1-гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан бироз йирик танага эга, бу уларнинг узун оёқлилиқ индексининг нисбатан пастлиги билан ҳам ифолаланади. Шунингдек, 2-гуруҳ буқачалари яхши ривожланган кўкрак қафасига ва бироз узоқ танага эга, буларнинг чўзилувчанлик ва кўкрак индекслари кўрсаткичларидан ҳам кўринади.

27 - жадвалда урғочи бузоқларнинг 18 ойлигидаги тана индекслари келтирилади.

27-жадвалда кўринишича 2-гурух урғочи бузоқлари ҳам 1-гурухдаги тенгқурларига нисбатан бироз йирик танага эга, буларниг узунойқлилик индекснинг бироз пастлиги билан ҳам ифодаланади, шунингдек уларнинг кўкрак ва зичлилик индексларнинг бироз юқори кўрсаткичлари билан ҳам тасдиқланади.

3.4. Тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги.

Ўказилган тадқиқодлар Украинадан олиб келинган қора-ола зотли моллардан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатди. (27-28 жадвал)

Букачаларни туғилгандан 18 ойликкача ўстиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

27-жадвал.

Кўрсаткичлар	Гурухлар	
	1 (n=5)	2 (n=5)
Ҳар 1 бош буқачани ўстиришга сарфланган харажатлар, сўм	1156400,13	1136960,26
Шу жумладан озиқага сарфланган харажатлар, сўм	809480,20	773132,43
Ҳар 1 бош буқачадан олинган тирик вазнининг қиймати, сўм	1652000,00	1672000,21
Соф фойда, сўм	495600,90	535040,35
Самарадорлик даражаси, % да	42,8	47,0

Урғочи бузоқларни туғилгандан 18 ойликкача ўстиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

28-жадвал.

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	
	1 (n=5)	2 (n=5)
Ҳар 1 бош буқачани ўстиришга сарфланган харажатлар, сўм	917654,15	921536,80
Шу жумладан озиқага сарфланган харажатлар, сўм	642357,80	645075,20
Ҳар 1 бош буқачадан олинган тирик вазнининг қиймати, сўм	1274520,25	1355200,64
Соф фойда, сўм	356866,37	433664,21
Самарадорлик даражаси, %да	38,9	47,0

27-28 жадваллар маълумотларидан кўринишича, 2 гуруҳдаги буқачалар ва урғочи бузоқларнинг ҳар бир бошидан туғилгандан 18 ойликкача 1 гуруҳдагиларга нисбатан ўртача 5000 сўм кўп даромад олинди ва улардан олинган фоф фойда миқдори 55000 сўм юқори бўлди.

Хуласалар.

1. Украинадан олиб келинган букачаларнинг (2-гурух) тирик вазни 1-гурухдаги тенгқурлариникидан туғилганда 4,0 кг, 3 ойлигида 3,5 кг, 6 ойлигида 3,7 кг, 12 ойлигида 3,0 кг ва 18 ойлигида 4,3 кг юқори бўлди.

2. 2-гурух урғочи бузоқларнинг тирик вазни 1-гурухдан урғочи бузоқлари кўрсатгичидан туғилганда ўртача 2,5 кг, 3 ойлигида 2,4 кг, 6 ойлигида 1,8 кг, 12 ойлигида 3,0 кг, 18 ойлигида 3,4 кг юқори бўлди.

3. 2-гурух бузоқларининг туғилгандан 18 ойлигигача тирик вазнининг мутлоқ ўсиши 1-гурухдаги тенгқурлариникидан 3,4 кг юқори бўлди, бу эса юқори тирик вазн билан туғилган бузоқларида ўсиш энергияси жадал бўлганлигидан далолат беради.

4. 2-гурух бузоқлари 1-гурухдаги тенгқурлаиникидан тана тузилишига яхши ривожланган кўкрак қафасига, йирик танага эса бўлдирилар ва улар тана тузилиши жихатидан сут махсулдорлик йўналиши хилига мансуб бўлдилар.

5. Барча гуруҳлардаги бузоқлар туғилгандан 18 ойлигигача озиқани тирик вазни билан етарли даражада яхши қопладилар ва сезиларли гуруҳлааро фарқ кузатилмади.

Амалий таклифлар.

Юқори махсулдор сутбоб подалар барпо этишда четдан олиб келган қора-ола зотли бузоқларни алохида гуруҳларга ажратиб, тўла қийматли озиқлантириш ва яхши асраш шароитларида ўстиришни ташкил тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 23-мартда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-308-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 21-апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-842-сонли қарори.

3. Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/ И.А. Каримов.-Т: 2009 йил.

4. Мавлонов.Н.О, Мавланов.Э.Н “Қорамолчилик”. Тошкент 1984 й

5. Гостев.В.С “Фагациты, комплемент и свертывание крови при недостатке белка в пище” 1950 й.

6. Ҳафизов. И.И “Турли генотипли қизил чўл зотли қорамолларнинг маҳсулдорлиги ва пуштдорлик хусусиятларининг таббӣй чидамлилигига боғлиқлилиги” 2004 й

8. Барабанников.Н.В, Контрол.Н.В “Качества молоко на ферме” 1986 г

9. Арзумян.Е.А “Скотоводства” 1957 й

10. Касулов.И.М, Кадиев.И.М “Особенности коров красностепенной и черно-пестрой пород в Дагестане” 2000 й

11. У.Н.Носиров. “Қорамолчилик” Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2004 й.

12. У.Н.Носиров. Ғ.У.Носиров. Т.У.Носиров. “Чорвачиликда классик ва замонавий селекция усуллари” Тошкент, 2008 й.
13. А.С.Веляких. “Саноат асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш”, Тошкент, “Ўқитувчи” 1983 й.
14. Т.Х.Икромов. “Қорамолчилиқ” кўп ва сифатли сут етиштиришнинг муҳим омиллари. Тошкент 1995 й.
15. Ш.Акбархўжаев, С.Исломхўжаев. “Сут ва гўшт етиштириш технологияси” Тошкент, “Меҳнат” 1988 й.
16. Акмалханов.Ш.А. и другие. “Физиолого-биохимические особенности молочного скота к промышленной технологии в условиях Средний Азии”. Бюл. ВНИИ физиологии и биохимии питания животных. Боровск, 1986 Г, вып 83
17. А.Авезов. «Қорамолларнинг наслдорлигини баҳолаш усуллари». Журнал “Зооветеринария”, 2008 й, №5.
18. Алиев.Р.Г, Алипанахов.А.Б. «Особенности коров красной степной породы и ее помесей». Жур. «Зоотехния», М, 2005, №2.
19. Амерханов.Х. «Производство говядины состояния тенденции и перспективы развития» Ж. «Молочной и мясное скотоводства», М,2004, №3.
20. Боротников.А.М, Деряженцов.В.И,Епишина.Т.М. «Технологическая оценка параметров содержания быков- производителей на племях». Ж. «Зоотехния», М, 2008 Г, №7.
21. Димов.В, Ефимова.Л. «Молочная продуктивность коров в хозяйствах Красноярского края». Ж. «Молочное и мясное скотоводство», М.2005 г. №3.
22. Касумов.И.М, Кадиев.И.М «Особенности коров красной степной и черно-пестрой породы в Дагестане». Ж. «Зоотехния». М.2000,№6.
23. Карликов.Д.В, Петляков.А.Т, Казарбин.Д.Р. «Улучшение черно-пестрого скота подмосковья». Ж. «Зоотехния», М, 1988, ;3.

24. И.Максудов, С.Жуманов. «Қорамолларни сунъий уруглантириш-самарадорлик манбаи». «Ўзбекистон кишлок хужалиги журналининг «Агро илм» илмий иловаси». Тошкент 2007 й. №4-сон.

25. Солдатов. А.П. « Крупнамасштабная селекция и перспективы размещения пород крупного рогата скота в России». Сб. «Повышении генетического потенциала молочного скота», М, Агропромиздат, 1986 г.

26. Хафизов И.И ва бошқалар. “Қорамолчиликда наслчилик ишларини такомиллаштиришнинг замонавий усули” Зооветеринария Ж. 2008 №6.

27. Эрнес.Л.К, Григорьев Ю.Н «Совершенствование животных в хозяйствах крупных регионов». Сб. Создания новых пород сельскохозяйственных животных. М. Агропромиздат, 1987 г.

28. К Мадаминов «Чорвадорнинг ён дафтари». Тошкент. «Мехнат», 1988 й.

29. А.М.Мустафаев. «План племенной работы с бушуетской породой скота». Тошкент «Мехнат», 1989 й.

30. Абдалниёзов.Б, Худаёров.Р. «Ғолиштин қизил-ола билан қизил чўл зотлари дурағайларининг маҳсулдорлиги». “Ўзбекистон кишлок хўжалиги” Ж. “Агро илм” илмий иловаси. Тошкент, 2007 й.

31. Погребняк.В.Влияние живой массы на молочную продуктивность коров. Ж. «Молочное и мясное скотоводство», 1999 г. №2.

32. Стрекозов.Н.И, Левина Г.Н. «Индивидуальный подбор с учетом типа животных и селекции быков». Ж. «Зоотехния», 2001 г, №1.

33. Гостев.В.С. «Фагациты, комплемент и свертывание крови при недостатке белка в пище». 1950 г.

34. Хафизов.И.И. «Турли генотипли қизил чўл зотли қорамолларнинг маҳсулдорлиги ва пуштдорлик хусусиятларининг таббий чидамлилигига боғлиқлиги». Тошкент 2004 й.

35. Арзумиян.Е.А. “Скотоводства” 1957 г.

Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

36. Ўзбекистон худудлари бўйича статистик тўплам, 2009.-Т:
Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, 2009.

37. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг
маълумотлари.